

## Ишлаб чиқариш амалиётидан лавҳалар

✘ Институтимиз ректорининг 2020 - йил 28 -майдаги 343/т буйруғига асосан карантин даврини ҳисобга олиб "Ер ресурсларини бошқариш" факултети 3 курс талабалари ҳамда факултет профессор ўқитувчилари биргаликда онлайн алоқалар ўрнатилган ҳолда ишлаб амалиётлари олиб бориляпти. 2019-2020 - ўқув йили ўқув жараёни жадвалига асосан "Ер ресурсларини бошқариш" факултети талабаларига яшаш жойларига яқин бўлган ҳудудларидаги ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларда карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил этилди. Талабалар билан ҳар куни профессор ўқитувчилари томонидан онлайн тарзда суҳбатлар уюштирилмоқда. Ундан ташқари талабаларга амалиёт даврида "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" ва карантин қоидаларга риоя қилиш бўйича онлайн тарзда йўриқномалар берилди.

**“Геодезия ва геоинформатика” кафедраси ўқитувчиси Ўткир Исломов ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**